



# Ishonch

**Ишониқ**  
Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айна пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустақкам позицияларга эга.  
Ислом ҚАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

## Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 апрел кунин Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси арафасида Оқсаройда ОТБ президенти Харухико Куродага қабул қилди.**  
Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз билан кўп йиллардан буён яқин ҳамкорлик қилиб келаётган ОТБ ҳақи равишда энг нуфузли ва етакчи халқаро молия муассасаларидан бири эканини таъкидлади. Банкининг Ўзбекистон билан изчил амалга ошириб келаётган ҳамкорлик стратегияси бунинг тасдиғидир.  
— Осиё тараққиёт банкининг навбатдаги мажлисига меҳмон сифатида Тошкент танлангани учун Сизга миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз. Бундай нуфузли халқаро анжуманининг Тошкентда ўтказилиши мамлакатимиз учун катта

шараф, айна пайтда тарихий воқеадир. Осиё тараққиёт банки бошқарувчиларининг кейинги мажлисида умумий қиймати 1 миллиард 140 миллион АКШ долларидан зиёд бўлган тўрт йirik сармоявий лойиҳа маъқулланди. Бу лойиҳалар транспорт-коммуникация инфратузилмаси ва ичимлик суви таъминоти тизимини такомиллаштириш, коммунал хўжалик-энергетика, Тошкент шаҳрида ИЭСда буг-газ қурилмаси барпо этиш, шунингдек, мамлакатимиз тижорат банклари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш каби муҳим йўналишларни қамраб олади, — деди Президентимиз Ислом Каримов.  
Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда иқтисодий устувор тармоқларида йirik лойиҳаларни амал-

га оширмоқда. Улар стратегик ва муҳим аҳамиятга молик соҳаларни ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳ этиш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асоси ва қулай сармоявий муҳит яратилгани туфайли ОТБ мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган бу лойиҳалар муваффақиятли ижро этилмоқда.  
ОТБнинг 43-йиллик мажлиси шу кунларда Тошкент шаҳрида ўзини бошлайди ва Марказий Осиё минтақасида бундай ҳамкаражадаги илк форум ҳамда ривожланишнинг «Ўзбек модели» самарадорлиги халқаро миқёсда эътироф этилганидан яна бир далolat бўлади. 2-4 май кунлари АСЕАН+3 мамлакатлари молия вазирларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Унда ОТБнинг «Стратегия — 2020» дастурини, шунингдек, глобал

молиявий тизимни ислоҳ этиш, Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги ва инкироздан кейинги ривожланиши, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган.  
Халқаро молия муассасалари, жумладан, ОТБ етакчи эксперт ва мутахассисларининг эътирофи билан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги ривожланиш даражасида глобал инкироз шароитида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлиги билан қўлларга ўрнатилди.  
Харухико Курода таъкидлаганидек, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръатлари ишончли тарзда таъминланган санокли давлатлардан бири бўлди.

Унинг фикрича, «Ўзбек модели» муваффақиятининг асоси яна шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ҳозирги шароитда фақат ташки қарзларга таянмасдан, иқтисодий фаол диверсификация қилиш ҳамда бой минерал, ишлаб чиқариш-саноат, қишлоқ хўжалиги ресурсларидан ва, энг муҳими, инсоннинг юксак интеллектуал салоҳиятидан оқилона фойдаланиш чораларини кўрди.  
ОТБ президенти Х.Курога самимий қабул учун давлатимиз раҳбарияти миннатдорлик билдириб, ОТБ иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиётнинг турли соҳаларида Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва ривожлантиришда гоят манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.  
(ЎА)

## Янги Кун Янгиликлари

**Яқинда Савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакилиги ташаббуси билан вилоятдаги касба уюшмалари иштирокида семинар ўтказилди.**

**Семинар йиғилиши**  
Анжуман ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишда нималарга эътибор бериш зарурлиги, муаммоларни ҳал қилишда касба уюшма етакчиларининг фаоллигини ошириш, аъзолар сонини кўпайтириш ҳамда мутахассисларнинг малакасини оширишда ўқув дастурларидан фойдаланиш масалаларига бағишланди.  
Улуғбек ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

**Мархамат туман ҳокимлиги, прокуратураси, «Камолот» ЁИХ кенгаши, Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Унда 36 та корхона ва ташкилот 74 та бўш иш ўрни билан катнашди.**

**Янги иш ўринлари**  
Иш сўраб мурожаат қилган 85 та фуқародан 67 таси ишга жойлаштирилди. 10 киши касб ўрганиш учун шогирдликка берилди. 9 нафар фуқаро юридик маслаҳат олди.  
Касаначилик бўйича иш ўринлари ташкил этиш мақсадида пахтачилик ва галлачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликларига 195 та иш ўрни ташкил этилди.  
Абдурасул ЭРАЛИЕВ, журналист

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Нурота туман кенгаши томонидан туман хотин-қизлар кўмитаси, ИИБ, маънавият-тарғибот бўлими билан ҳамкорликда маиший хизмат кўрсатиш коллежиди «Алданиб қолманг!» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ўқувчилар, ўқитувчи ва ота-оналарга одам савдосининг олдини олиш борасида тушунча берилди.**

**Кўлни қўлга берайлик**  
— Бундай тадбирлар Хатирчи, Навбахор, Томди, Учқудук туманларида, Навоий, Зарафшон шаҳарларида ҳам ўтказиб турилибди, — дейди «Камолот»нинг вилоят кенгаши раиси Л.Облоқуллов. — «Қулликка рози бўлманг», «Одам савдоси — глобал муаммо», «Сен эртанги кун ишончсан!» каби мавзулардаги тадбирларда юзлаб ёшлар иштирок этаётир.  
Мансур АЛОВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

**Адлия вазирлиги ташаббуси билан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга қарорларни лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, қабул қилиш ва уларнинг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш юзасидан илмий-амалий семинарлар ўтказиш аънана тусига кириб бормоқда.**

**Lex.uz қонунчилик базаси**  
Шундай тадбирлардан бири яқинда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятида ўтказилди.  
Мазкур семинар «Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, уларнинг ҳуқуқий экспертизаси: амалиёт ва муаммолар» мавзусига бағишланди. Қизилқорни савол-жавоблар тарзида ўтказилган тадбирда бошқарма мутахассислари муаммоларни ҳал этиш йўллари, фаолиятдаги тўсиқларни бартараф қилиш усулларига алоҳида тўхталди. Маҳаллий давлат бошқаруви органлари, ФХД ва нотариал идоралар масъул ходимларига фаолиятни такомиллаштиришда Адлия вазирлиги томонидан яратилган махсус қонунчилик базаси — Lex.uz ҳақида кенг тушунтириш берилди.  
Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 30 апрел кунин Оқсаройда Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича вице-президенти Филипп Ле Уэйруни қабул қилди.**  
Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётнинг устувор соҳалари бўйича ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар стратегик аҳамиятга эга эканини, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик кўламини изчил кенгайтириб бораётганини таъкидлади.  
— ОТБнинг Тошкентда ўтадиган йиллик мажлисида Жаҳон банки вакиллари билан ҳамкорлик этиши Ўзбекистон Республикаси билан Жаҳон бан-

## Оқсаройда қабул

ки ўртасидаги муносабатлар юксак даражада ривожланаётганини яна бир бор тасдиқлайди, — деди Ислом Каримов.  
ОТБнинг Тошкентда ўтадиган йиллик мажлисида Жаҳон банки ва қатор бошқа хорижий банк-молия муассасаларидан нуфузли делегациялар иштирок этаётгани диққатга сазовордир. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган инкирозга қарши чоралар дастури ва иқтисодий ислоҳотлар «Ўзбек модели» самарадорлигининг яна бир тасдиғидир.  
Ушбу нуфузли халқаро молия муас-


сасаси билан ҳамкорликда иқтисодий турли тармоқлари ва ижтимоий соҳада йиғирмага яқин лойиҳа муваффақиятли амалга оширилмоқда. Улар орасида айниқса аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш, коммунал хўжалик соҳасини модернизация қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.  
Оқсаройдаги учрашувда Филипп Ле Уэйру самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билди-

риб, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида иқтисодийнинг асосий кўрсаткичлари ва ўсиш суръатини барқарор сақлаб қолган давлат сифатида ўрнатилган Ўзбекистонда бундай нуфузли халқаро форумнинг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Меҳмон ОТБнинг ушбу мажлиси Ўзбекистоннинг юксак сармоявий жозибадорлигидан далolat эканини, мамлакатни модернизация қилиш йўналишлари тўғрисидаги яна бир тасдиғи бўлишини қайд этди.  
Мулоқот чоғида кўшма лойиҳалар ижросига, Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истикболларига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.  
(ЎА)

**Сўз — анжуман иштирокчиларига**  
Жорий йилнинг 1-4 май кунлари Тошкентда Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. ЎА мухбирлари ушбу мажлис иштирокчилари ва меҳмонларининг айримлари билан суҳбатда бўлди.

## Ўзбекистонда ОТБ анжуманига пухта тайёргарлик кўрилган

Жованни КАПАНЕЛЛИ, Осиё тараққиёт банкининг Минтақавий иқтисодий интеграция ташкилоти бош иқтисодчиси (Италия):  
— Ўзбекистон ташки дунё билан алоқаларни, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни кенг қўламада ривожлантириш йўлидан изчил бораётир. Юртингизнинг юксак сийосий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда кенг эътироф этилган. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози мамлакатингиз иқтисодиётига жиддий зарар етказмаганининг гувоҳи бўлдик. Бунинг асосий омилли Ўзбекистон раҳбариятининг иқтисодий сийосатини турри юритаётганидир.  
Ўзбекистон билан Осиё тараққиёт банки ўртасида қарор топган мустақкам ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. Ҳамкорликда турли соҳаларда амалга оширилаётган кўплаб кўшма лойиҳалар юксак самаралар бераётир. ОТБ Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлисини ўтказиш учун айнан Ўзбекистон танлангани бежиз эмас. Бу Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётганининг яна бир халқаро эътирофидир.  
Ташрифимнинг биринчи кунин Самарқандни зиёрат қилдим. Шаҳардаги тарихий обидалар, муқаддас қадимжолар, айниқса, Регистон майдонини менда унутилмас таассурот қолдирди. Уларни томоша қилар эканман, қадимда Шарқ ва Ғарб ўртасида мустақкам робота бўлган Ўзбекистон дунё илм-фани ривожига беназир ҳисса қўшганига ва бутун ҳам гурқираб тараққиёт этаётганига амин бўлдим.



**«Қишлоқ тараққиёти ва фаронлиги йили» Давлат дастури асосида 2009-2015 йилларда умумий майдони 7 миллион 100 минг квадрат метр бўлган яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўзда тутилган, ушбу дастур асосида Қасби туманида ҳам мактовга арзигулик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 йилда 20 та уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилган бўлса, шу кунларда яна 15 таси барпо этилаётди.**  
— Қурилиш ишлари бош пудратчи «Очилов Нодир Қодирович» хусусий корхонаси томонидан олиб борилаётди. — дейди иш юритувчи Турсун Тўраев. — 71 нафар ишчи-ҳодимларининг учун барча шароит яратилган. Бу эса иш унумига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Дипак ЧАТЕРЖИ, «State Bank of India» банки бош менежер (Ҳиндистон):**  
— Ўзбекистонга келиб олган таассуротларимни таърифлашга сўз ожизлик қилади. Тошкентнинг тоза, кенг, файзли ва бетакор кўчалари, ям-яшил боғларида сайр қилиб, диққатга сазовор жойларини кўздан кечириб, руҳий ва маънавий қувват олдим.  
Мазкур халқаро анжуман кунлари турли давлатлардан келган молиячи экспертлар, олим ва мутахассислар, бизнес одамлари бир-бирлари билан ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиб, янгиликлардан хабардор бўлиш, ҳамкорлик алоқаларини янада мустақкамлаш имконига эга бўладилар.  
Ўзбек пахтаси Ҳиндистон саноати талабларига тўлиқ жавоб бергани учун мазкур соҳада ҳамкорлигимиз мустақкамланмоқда. Ҳиндистоннинг нуфузли «Spentex» тўқимачилик корпорацияси мамлакатингизда кўшма корхона очиб, бир неча йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани бунинг далилидир. Ўзбек пахтаси юқори сифати, пишқиллиги билан ажралиб туради. Шу бос пахтагининг жаҳон бозоридида мавқеи йил сайин ошиб бормоқда.

**Мэрлин МОСЕС хоним, Наурунинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидида доимий вакили ва элчиси:**  
— Глобал иқтисодий бўҳрон даврида бундай нуфузли анжуманининг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора ошиб бораётганининг далилидир. Осиё тараққиёт банкидек нуфузли молия муассасасининг йиллик мажлиси қатор глобал молиявий масалаларни атрофлича муҳокама қилиш ва ҳал этиш чораларини кўриш учун қулай имкониятидир.  
Мамлакатингизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини жадал ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар билан танишиб, чин дилдан хайратландим. Ўзбекистон мустаққиллигини қўлга киритганига атиги 19 йил бўлганига қарамай, ҳар соҳада ҳавас қилса арзигулик ютуқларни қўлга киритибди. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялли ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани эришилаётган бундай ютуқларнинг ёркин тасдиғидир. Бу мамлакатингиз йўлбошчиси Ислом Каримов юритаётган оқилона сийосатнинг амалдаги ифодасидир.  
Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, мамлакатингизда замонавий техника ва технология, ўқув жихозлари, спорт мажмуалари билан таъминланган қатор таълим муассасаларини кўриб, ёшларнинг пухта таълим-тарбия олишига алоҳида эътибор берилаётгани учун улкан барча зарур шароит яратилганига амин бўлдим.

## Парламент журналистикаси



**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Парламент назорати самарадорлигини оширишда ОАВнинг ўрни» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, ҳуқуқшунослар, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

**Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида сўзлаган маърузасида парламент олдида турган гоят муҳим вазифалардан бири сифатида қонунларнинг ижро этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш лозимлигини таъкидлади. «Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини қулайтириш вазифаси-**

ни муваффақиятли ҳал этиш кўп жihatдан оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир» деган эди.  
Жамият бошқарувининг демократик принципларидан бири вакилли органларига ижро ҳокимияти устидан назорат ваколатининг берилишидир, у ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида барқарор мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу норма миллий қонунчилигимизда ҳам мустақкамланган бўлиб, парламентда давлат ҳокимияти ва бошқарув орган-

лари мансабдор шахсларига сўров йўллаш, давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботини эшитиш, жойларда қонунларнинг бажарилиши юзасидан назорат-таҳлил ишларини олиб бориш ваколатини беради.  
Утган беш йил мобайнида парламент томонидан қонунлар ижросини ўрганиш бўйича икки юзга яқин назорат-таҳлил ишлари олиб борилганлиги, лекин бу борада етарли натижага эришилмаганлиги, бунинг сабаблари,

мазкур йўналишда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикр алмашилди.  
Анжуманда қонунлар қанчалик пухта, сифатли бўлмасин, агар уларни ҳаётга муваффақиятли жорий этиш устидан қатъий назорат ўрнатилмас экан, бу борада самарадорликка эришиб бўлмаслиги таъкидланиб, ОАВ билан ҳамкорлик унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши уқтирилди ва парламент журналистикасининг истиқболли хусусида мулоҳазалар билдирилди.  
Довуд МАДИЕВ

Хисобот-сайлов конференцияси

Ижобий баҳо — янада яхши ишлашга даъват

Фалокат оёк остида деб шунинг айтишларида. «Кашкадарё пармалаш ишлари» ОАЖ ишчиси Абдуназар Рахимов музлаб қолган манифолд қувурини иситиш вақтида портлаш содир бўлди...

Мудҳис ўлим Раҳимовлар оиласини гангитиб қўйди. Болалар отасиз қолди. Яхшики, мамлакатимизда инсон манфаатлари ус-тувор. «Ўзгеобурғунфетгаз» акциядорлик компанияси томонидан марҳумнинг оиласига 22 миллион 430 минг 182 сўм миқдорда бир йўла тоvon пули тўланди. Ҳозирда ҳам зарар пули тўлаб бo-рилмоқда. Уни касаба уюшмаси ўз назоратига олган.

«Ўзгеобурғунфетгаз» акциядорлик компанияси касаба уюшма кўмитаси атрофига 11 та бошланғич, 35 та цех касаба уюшма кўмитаси, 10 та касаба уюшма гуруҳлари бирлашган. Жами аъзо-лари сони 5593 нафарни ташкил этади.

«Унумли меҳнат ва шунга яраша маош — ижтимоий ҳимоянинг яхши воситасидир». Ишнинг ушбу шior остида йўлга қўйилгани натижасида ходимларнинг ўртача иш ҳақи йилдан-йилга ўсиб бo-рмоқда. Масалан, 2007 йилда ўртача маош 441 минг 37 сўмни таш-кил этган бўлса, 2008 йилда 554 минг 994 сўм, 2009 йилда эса 572 минг 948 сўмга өтди.

«Ўзгеобурғунфетгаз» акциядорлик компанияси бирлашган ка-саба уюшма кўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида де-легатлар раис Комил Ҳайтовнинг фаолиятини қониқиб билан маъ-қулладилар.

Конференция делегатлари яна Комил Ҳайтовга ишонч бил-диришди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши туман бирлашган кўмитасининг V конференцияси бўлиб ўтди.

— Ҳозирги кунда туманда 62 та мактаб, 3 та мактабдан ташка-ри ва 28 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб келмоқда, — деди кўмита раиси Илхом Анбиев ҳисобот маъруза-сида. — Таълим даргоҳларида 38900 нафар фарзандларимиз таҳ-сил олаётган. Мактабгача таълим муассасаларида эса 2 минг на-фар бола тарбияланмоқда.

Таълим масканларида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Соғломжон — полвонжон» кўрик танловлари, «Ўзбекистон, сени кўлайман» кўшиқ фестивали ўтказилди. Ҳисо-бот даврида 500 нафар педагог ходимларнинг фарзандлари ором-гоҳларда соғломлаштирилди.

Ўқитувчилардан 150 нафари сихатгоҳларда соғлиқларини тик-лашди. Ҳар йили кўмита ҳисобидан 80-100 педагог Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз каби тарихий шаҳарларда бўлиб, олам-олам таассурот олиб қайтмоқдалар.

Сўзга чиққанлар кўмита фаолиятини ижобий баҳолашди. Ил-хом Анбиев раис этиб қайта сайланди.

Шахрисабз туман пахта тозалаш заводи ОАЖ ходими Камол Аширов иш вақтида бахтсиз ҳодиса туфайли оғибдан ажраб қолди. Яхшиям, касаба уюшма кўмитаси бор экан...

«Кашкадарёпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси бирлашган касаба уюшма кўмитаси кўмағида Аширов Тошкент-даги ортопедия-травмотология институти шифохонасида даво-ланди. Оёғига Германияда тайёрланган протез қўйилди.

Бугун у ҳамма қатори меҳнат қилиб, оиласини боқмоқда... Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. «Кашкадарёпахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмаси бирлашган касаба уюшма кўми-таси раиси Ҳайитмурод Раупов ҳеч бир ариза ёки шикоятга юза-ки қарамайди. Ютуқ ва камчиликларга ҳолисона баҳо беради. Бу бирлашган касаба уюшма кўмитасининг III ҳисобот-сайлов кон-ференциясидаги маърузада ҳам ўз ифодасини топди. Ютуқлар бир-бир санаб ўтилди, камчиликлар ҳам эсдан чиқмади.

— Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, энг аввало, техника хавфсизлиги муҳандисига, мутахассис кадрларга боғлиқ. Тизим-даги баъзи корхоналарда кадрлар кўнимсизлиги деган салбий одат бор. Техника хавфсизлиги муҳандиси бир-икки йил ишла-гандан кейин дарров бошқа ишга ўтиб кетади ёки ўтказилади. Натижада янги келган муҳандис ёки тажрибасиз бўлади ёхуд унда қатъият еттишмайди. Жамиятларда асбоб-ускуналарни энг кўп қисми айланувчи, тортувчи, ҳаво билан ишловчи механизмлар-дан иборат. Айрим корхоналарда ана шу қисмларнинг эҳтиёт қў-қоқлари, сақлагичлари ишламайди, мавжуд бўлганлари ҳам у ёки бу сабабга кўра олиб ташланиб, қайта жойига қўйилмайди. Де-мак, шу ишларни назорат қилиш тегишли чоралар кўриш тўғри-дан-тўғри техника хавфсизлиги муҳандиси ва касабакўмининг ва-зифасидир, — таъкидлади касабакўми.

Музокара учун сўзга чиққанлар талабчан касабакўми Х.Раупов-нинг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб топишди ва унга яна ишонч билдиришди.

Вазифа — тармоқда меъёрий ҳужжатлар таъсирчанлигини ошириш, мавжуд имкониятлардан изчил, оқилона фойдаланишдан иборат. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман бирлашган кўмитаси ҳисобот-сайлов конференцияси ана шу руҳда ўтди.

Кўмита раиси Исмат Набиев ҳисобот даврида йўл қўйилган кам-чиликлар, бу нуқсонларни бартараф этишда касаба уюшманинг иштирокига алоҳида эътибор қаратди. Ўтказилган унга яқин раё-сат йиғилишларида ана шундай долзарб муаммолар қамраб олин-ди. Педагог ходимларнинг иш ҳақини тўлаб беришда айрим са-бабларга кўра чўзилши юз бериши, мукофот пуллари тақсимо-тидаги ҳатоликлар, фарзанд тарбиясидаги оналарга нафақа тўла-даги камчиликлар бир неча бор кун тартибига кўтарилди. Жамоа келишуви баҳарлишидаги камчиликларни бартараф этиш юза-сидан иш берувчи билан ижобий муроасага келинди. Энг муҳи-ми, таъсирчан куч сифатида касаба уюшмаси тармоқда тўла ўз ўрнига эга.

— Ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашда маъмурият билан ҳамкорликка эриша олдик, — деди нотик ўз сўзида. — Тармоқдаги 220 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар доимий назоратга олинди.

Ходимларни соғломлаштириш, дам олишини ташкил этиш ка-саба уюшма назаридан четда қолгани йўқ. Утган фурсатда кўмита тасарруфидоги оромгоҳ шароити, моддий базасини мустаҳкамлаш-га 15 миллион сўмдан ошқ маблағ сарфланди. Меҳнатқашлар-нинг 10 нафар фарзанди касаба уюшма ҳисобидан бепул дам ол-дирилди. Соҳа ходимларидан 116 нафари сихатгоҳлар хизмати-дан баҳраманд бўлди. Шундан 8 нафар ходимга йўлланма бепул тақдим этилди.


Спорт оммавийлигини таъминлашга касаба уюшмалари тасарру-фидоги маблағининг 15-20 фоизи сарф-харажат қилинапти. Худуд ёшлари турли мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни кўлга киритиб келмоқда. 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мак-таби мураббийи Бекир Осмонов ошакча бўйича ўтказилган вило-ят, республика мусобақаларида голибликни кўлга киритди.

Конференцияда сўз олган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси Содиқ Исаев ва бошқалар кўмита ишидан қониқиб ҳосил қилганлигини баён этишди. Исмат Набиев бир овоздан кўмита раиси вазифасига қайта сайланди.

Уз муҳбирларимиз

Мақсадимиз — жисмонан бақувват, Сурхондарё

Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга эришишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайти, аниқ мақсад сари интилиш қўйинчиликлари бардош ва чидам билан энгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, гурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди. ИслоМ КАРИМОВ



Ҳар бир миллатнинг эртанги кўни бугун камолга етатиётган ёшлар билан бевосита боғлиқ. Президентимиз, раҳна-молигида жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук авлодни тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётган-лигининг мазмун-моҳия-ти аслида ҳам шунда.

Соғлом авлоднинг келажаги порлоқ

Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 август-даги «Ўзбекистон Болалар спортини ри-вожлантириш жамғармаси фаолиятини та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги фармонлари бу борада ўзига ҳос дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти.

Эътироф этиш лозимки, Сурхондарё вилоятида ҳам болалар спортини ривож-лантириш борасида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Респу-блика жамғармасининг 2010 йил манзилли дастурига кўра 3 та мусика ва санъат мак-табларини янгидан қуриш ва қайта таъ-мирлаш, 4 та янги спорт комплекси ва ин-шоотларини қуриш ҳамда мавжуд 2 та су-зиш ҳавзасини капитал таъмирлаш бўй-ча дастлабки ишлар бошлаб юборилган. Барча объектларда қурилиш ишларини вақтида ва сифатли бажарилишини назо-рат қилиш, белгиланган муддатда фойда-ланишга топшириш мақсадида доимий мониторинг ташкил этилган.

Бугунги кунда вилоят халқ таълими ти-зимиде 848 та умумий ўрта таълим макта-би мавжуд бўлиб, 3058 нафар ўқитувчи 440048 нафар ўқувчи-ёшларга (шундан 214113 нафари қиз болалар) жисмоний

тарбия ва спорт йўналишида таълим-тар-бия бериб келмоқда. Соҳада жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулла-нувчилар сони 417934 нафарни ташкил эта-ди. Улар бадий гимнастика, баскетбол, волейбол, кўл тўпи, энгил атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, оғир атлетика, таэквандо WTF, теннис, футбол, эркин ва юнон-рум кураши, кураш, турон кура-ши, армрестлинг, мини футбол, шахмат-шашка каби 23 та тур бўйича махсус сек-цияларда шуғулланишмоқда. Натижалар ҳам ёмон эмас. 22772 нафар оммавий, 29 нафар 1-тоифали спортчи, 1 та спорт ус-талигида номзод тайёрланишига эришил-ди. Фарзандларимизнинг спорт билан до-имий шуғулланиши учун вилоят халқ таъ-лими тизимидеги 9 та стадион, 405 та тур-ли ўлчамлардаги спорт заллари, 2631 та спорт майдонларидан кенг фойдаланаял-миз.

2003-2008 йилларда воҳода 9 та янги спорт мажмуалари, 45 та умумтаълим мак-таб, спорт заллари, 13 та мавжуд спорт иншоотларида реконструкция ишлари амалга оширилди. Қуриб фойдаланишга топширилган 67 та иншоотларимизнинг 65 таси (яъни, 96 фоизи) қишлоқ жойла-рида эканлиги қувонарли ҳолдир. Ушбу мақсад йўлида жамғарма томонидан 6.177

млрд. сўм сарфланди. Мазкур спорт ин-шоотлари Термиз шаҳри ва туман халқ таълими бўлимлари тасарруфига ўтказиб берилган бўлиб, улар Республика жамғ-армаси ҳисобидан 869,0 млн, вилоят жам-ғармаси томонидан 235 млн. сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди. Бар-ча спорт мажмуаларига белгиланган меъ-ёрда штат бириклари ажратилиб, тажри-бали мутахассислар жалб қилинган. Янги-дан қурилган болалар спорт мажмуала-рида 64 нафар мураббий фарзандларимиз билан спортнинг 24 тури бўйича 362 та спорт секцияларида машғулот ўтказмоқда.

Спорт мажмуаларида фаолият кўрсата-ётган энгил атлетика, бадий гимнастика секцияларида 26500 нафардан зиёд болалар шуғулланаётганини мамнуният билан таъкидлаш жоиз.

Бир сўз билан айтганда, Баркамол ав-лод йўлида амалга оширадиган ишлари-миз эртаими эгаларининг порлоқ келаж-и учун замин ҳозирлашда катта аҳамият касб этади.

Д.МАМАТОВ, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилояти филиали директори

Қишлоқ мактабида гимнастика тўғараги

Бугун мамлакатимизнинг энг чокка қишлоқларида ҳам болалар ва ёшлар ўртасида спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратиляпти. Прези-дентимизнинг яқинда эълон қилинган «Қишлоқ жойларида болалар спорти объектлари банд бўлган аёл спорт устозлари меҳнатини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам бу борадаги ғамхўрликнинг яна бир кўриниши бўлди.

Қизирқ Сурхон воҳасининг дашт ва чўл тумани ҳисобланади. Ана шун-дай гўшада тарбия топган қишлоқ қизларининг нуфузли мусобақаларда иштирок этаётгани кишини қувонти-ради. Бу, албатта, спортга жалб этиш яхши йўлга қўйилганлигидандир. Ми-сол учун, туманимиздаги 18-умумтаъ-лим мактабида ташкил этилган бадий гимнастикачилар тўғараги 2002 йил-дан буён фаолият юритиб келмоқда. Унда 30 нафардан зиёд доимий иш-тирокчилар бор. Қизлар спортнинг бу тури бўйича анча тажриба тўплаш-ган. Машғулотларда маҳоратини оши-раётган Пардаҳол Мўминова, Зайнаб Уролова сингари спортчи қизларимиз Республика Гимнастика фестивалида нуфузли номинациялар бўйича голиб бўлишгани ҳам бежиз эмас. Бу тўға-раққа қўшни қишлоқ қизлари ҳам қат-нашиш истагида эканлиги эса нур ус-тига аъло нурдир.

Утган йили Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган мусобақаларга қўшилган 7 нафар вақилнинг аксарияти қизлар эканлиги фикримизнинг ёркин исботидир.

Бундай тўғарақлар сони юзлаб бўлиб, уларнинг 40 фоизига аёл му-раббийлар раҳбарлик қиляптир. Ҳар бир спорт тўғарагида машғулотлар ўтказилиши спорт мажмуасининг жойлашувига қараб белгиланган. Бундай имкониятлар Қизирқда ҳам бадий гимнастиканинг ривожлани-шига яхши шароит яратяди.

Гулбахор АННАМАНОВА, Қизирқ туман ХТБ мудир



Саломатликка элтувчи йўл

Туманда ўқувчи ёшларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, соғломлаштириш ишларини замон талаблари даражасида ривожлантириш борасида кўплаб ижобий ишлар қилинмоқда. Шў жумладан, қатор ҳамкор ташкилотлар билан келишилган ҳолда мусобақалар ўтказилиб келинмоқда.

Барча таълим муассасала-рида спорт майдонлари мав-жуд эканлигини алоҳида таъ-кидлашни истардим. Туман халқ таълими бўлимига қарашли Болалар ва ўсмир-лар спорт мактаблари ҳамда спорт мажмуаларида 76 на-фар мураббий 2448 нафар ўқувчига спортнинг 16 тури бўйича мунтазам равишда машғулотлар ўтказмоқда.

Утган йили ўқувчиларимиз «Умид ниҳоллари» ва «Егиз таътил» спорт мусобақалари вилоят босқичида фаол иш-тирок этиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 1-ўринни эгаллашди. Гулистон шаҳри-да бўлиб ўтган «Умид ниҳол-лари» спорт мусобақалари Республика босқичида туман-имиздан 23 нафар ўқувчи, 4 нафар мураббий қатнаш-ди. Улар орасида 1-мактаб ўқувчиси Аброр Амонов, 3-мактаб ўқувчиси Зулфия Қаюмова спорт гимнастика-си бўйича кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Бундан ташқари, ёшлари-миз бошқа нуфузли спорт му-собақаларида ҳам совринли ўринларни эгаллашмоқда. Жумладан, 51-мактаб ўқувчи-лари Севара Аҳмедова, Уми-да Тўхтаева қарат, 75-мактаб ўқувчиси Наврўз Зийдуллаев, 77-мактаб ўқувчиси Аброр Аб-дуғафоров шахмат, 4-мактаб ўқувчилари Шаҳноза Окубта-ева, Сокина Меликулова, Шо-дия Товашарова кураш бўйича республика ва халқа-

«ЛОГО — СОФТ» ФИРМАСИНИНГ САҲОВАТИ

Денов туманидаги «Лого — Софт» фирмаси болалар спортини ривож-лантириш учун ўз ҳасса-сини қўшиб келмоқда. Яқинда фирма хомийли-гида болалар ва ўсмир-лар ўртасида бокс бўйи-ча туман очик биринчили-ги ўтказилди. Мусобақа-да БУСМ (мураббий Т.Шакарров), «Юрчи» кўргони (Ф.Сайфуллаев), «Лого — Софт» фирмаси (А.Жутанкиев) жамоала-ридан жами 47 нафар спортчи 12 вазн тоифа-сида рингга кўтарилди.

Мусобақаларда Абдул-ла Абдусаломов, Маъруф Отамирзаев, Сардор, Са-мариддин, Самандар Тўраевлар, Далер Тўйчи-ев, Зикриё Жабборов, Аббос Салимов, Ақром Пўлатов, Тўлқин Эркинов-лар ўз вазн тоифасида голибликни кўлга кири-тишди.

— Ёш авлодни комил-ликка етакловчи барча жабҳаларда иштироки-га бўлишини истаймиз, — дейди фирма раҳбари Азамат Мирзаев. — Яқин-да кураш бўйича хотира турнирига кўмаклашган-дик. Ёшларнинг боксга бўлган қизиқиши эса ушбу мусобақани ташкил этишимизга туртки бўлди. Бундай мусобақа-ларни келгусида ҳам ўтказишни режалашти-рамиз. Болалар спорт учун ҳеч қачон саховати-мизни аямаймиз.

Бокс бўйича ўтказил-ган биринчилик якунида голиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг қим-матбаҳо совғалари топ-ширилди.

З.ХИДИРОВ



**Ўзбекистон халқ артисти  
МАЛИК ҚАЮМОВ**



Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудодикка учради. Миллий кино санъатимизнинг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Малик Қаюмов шу йилнинг 29 апрел куни 98 ёшида вафот этди.

Малик Қаюмов 1912 йил 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. 1932 йилда Бутуниттифоқ давлат кинематография институтини тугатганидан сўнг Тошкентдаги «Шарқ юлдузи» кинофабрикасида кинооператор ёрдамчиси сифатида иш бошлади. Ўзбекистонда яратилган дастлабки ҳужжатли ва бадиий филмларни суратга олишда иштирок этди.

У 1932-1946 йилларда Тошкент кинокорона студиясида кинооператор, «Союзкинохроника»нинг Урта Осиё бўйича муҳбири бўлиб ишлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ҳужжатли филмлар марказий студиясининг ҳарбий кинооператори сифатида фашизмга қарши курашда намоён этилган жасорат ва матонат намуналарини кинотасмаларга муҳрлашда фидойилик кўрсатди.

1946-1961 йилларда Тошкент бадиий ва ҳужжатли хроникал филмлар студиясида кинооператор, режиссёр ва директор лавозимларида ишлади. Айниқса, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар студиясининг директори ва бадиий раҳбари, Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг биринчи котиби лавозимларидаги фаолияти давомида у республикамизда кино санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

М.Қаюмовнинг давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. У 1990-1994 йилларда Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати сифатида самарали фаолият олиб борди.



Моҳир кинооператор ўзининг кўп йиллик ижодий фаолияти мобайнида 200 дан ортиқ ҳужжатли ва илмий-оммабоп филмларни суратга олиб, юртимизда ушбу йўналиш бўйича ўзига хос мактаб яратди. Унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим тарихий воқеалар, ўлкамизнинг бетакорр табиати, халқимизнинг бой тарихи, миллий анъаналари, юксак фазилатларини тараннум этишга қаратилган «Она дийр», «Тўрт дарвозали шаҳар», «Ўзбекистонимизга келинг», «Баҳордан баҳоргача», «Ўзбекистонимизнинг уч сири», «Самарқанд ҳамиша мен билан», «Ўзбек атласи» сингари ҳужжатли филмлари миллий кино санъатимиз ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

М.Қаюмовнинг Ўзбек маданиятини ривожлантириш йўлидаги самарали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвонлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланган эди.

Улкан санъаткор, камтарин инсон, меҳрибон устоз Малик Қаюмовнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, И.СОБИРОВ,  
Д.ТОШМУХАМЕДОВА,  
Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ,  
А.АРИПОВ, А.ИСҲОҚОВ, Х.ФАЙЗИЕВ**

**Кўргазма**



**Рангларга — юрт мадҳи**

**Вақти-вақти билан манзара жанрига мурожаат қилмайдиган бирорта рангтаъсир устаси топилмаса керак. Лекин ҳамма рассом учун ҳам жонажон ўлка табиати янги ижодий изланишларга ундайдиган илҳом манбаи бўлавермайди.**

Бундан ўн беш йил илгари Тошкент шаҳрининг Кўкча маҳалласидаги бир хонадонда бадиий галерея очилган ва экспозиция асосан Ўзбекистон халқ рассоми Анвар Мирсоатов (тахаллуси Мирза Анвар) асарларидан иборат бўлган.

Мақтабда ўқиб юрган кезидаёқ санъатнинг жозибасини ҳис этиб, расм чизишни ўрганишга киришган, кейин республика рассомлик билим юртига ўқишга кирган қаҳрамонимиз П.Ган, П.Мартаков, Н.Пак сингари ажойиб

рассомлардан сабоқ олади. Билимини янада бойитиш мақсадида Тошкент давлат педагогика институтининг бадиий графика факултетида машҳур мўйқалам усталари Р.Чориев, Ю.Елизаровлар унга ус-тозлик қилишган. Институтни тамомлаган ёш рассом ўз ижодий йўли — манзара жанрини танлади.

1970-йилларда тасвирий санъатга кириб келган Мирза Анвар эндиликда бу соҳанинг кўзга кўринган вакилларидан биридир.

Шу йилнинг 29 апрел куни Ўзбекистон бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Анвар Мирсоатовнинг 70 йиллиги ва ижодий фаолиятига 40 йил тулиши муносабати билан «Она юрт куйчиси» деб номланган кўргазма бўлиб ўтди.

Унинг ҳамма картиналари табиатнинг ўзидан олиб, пленэрда 3-4 сеансда чизилган. Булуғли кун ёки қуёш нурида ранглардаги ўзгаришчанликни назорат қилиб, акс эттирган рассом ўзининг импрессионистик тасвир услубини яратган. Юртимизнинг турли гушаларига қилган сафарлари мобайнида чизган «Чорбоғ», «Амир Темур дарвоза-

си», «Богистон», «Сижжак», «Ургут», «Олтин водий», «Дарёча», «Наволи сой тароналари» сингари гўзал асарлари фикримизни тасдиқлайди. Рассомнинг кичик камер асарларидан тортиб, эпик манзара полотноларига она заминга муҳаббат, табиатдаги гўзалликлардан хайратланиш ҳисси билан йўғрилган.

Ушбу юбилей кўргазмада рассомнинг икки юзга яқин асари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда. Кўргазма 15 майга қадар давом этади.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,  
«Ishonch» мухбири  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар**

**Дил изҳори**

**Шириндан-шарқ кизимиз Муштарийхон касал бўлиб колди-ю, тинчимиз бузилди. Турмуш ўртоғим билан қилмаган муолажамиз колмади. Лекин кизимизнинг аҳволи яхшиланган демасди. Охири докторларнинг маслаҳати билан Тошкентга келиб, Мирзо Улуғбек туманидаги 2-болалар шифохонасига мурожаат қилдик.**

**Шифокорларга минг раҳмат!**

Абдурашул Тўхтақўжаев ва Эркин ака исмли жарроҳлар қорин бўшлиғида хирургик касаллик бор, зудлик билан операцияга тайёрлаймиз, деб кўнглимизга таскин беришди. Барча шифокору ҳамшира оёққа турди. Профессор Насриддин Эргашев ҳар бир жараёнда жарроҳларга маслаҳат бериб турди.

Операция бир ярим соат давом этди. Олий тоифали болалар жарроҳи Абдурашул Тўхтақўжаев кизимизнинг қорин бўшлиғида пай-

до бўлган катта ҳажмдаги ўсимтанни операция йўли билан олиб ташлади. Қизимизнинг ҳаётини сақлаб қолиб, бизга чексиз қувонч туғдирган бу кўли энгил жарроҳдан бир умр миннатдоримиз. Қолаверса, операцияни ўтказишда ёрдам бериб турган жарроҳ Атам Раҳматуллаев, нархозчи Маҳфиза Абдуллаева ва бутун шифохона жамоасига ўз ташаккуримизни билдираман.

**Одинахон ҲАЛИЛОВА,  
Чирчиқ шаҳри**

**Сайил**

**«Баҳорой» завқи**

**Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва боғ маъмурияти ҳамкорлигида икки кун давомида «Баҳорой» сайли ўтказилди.**

Тадбирда Юнусобод туман халқ таълими тизимидagi мактабгача таълим муассасалари иштирокида кўргазма ташкил этилди. Кўргазмадан болажонлар чизган расмлар, улар ясаган ҳар хил шакл ва ҳайвонлар, тўқилган буюмлар жой олди. Спортга қизиқувчи ўғил-қизлар ўртасида ўтказилган эстафета ўйинлари, гимнастика машқлари ва асфалтга расм чизиш мусобақалари ҳам таассуротларга бой бўлди.

Ғолиблар «Соғлом авлод учун» жамғармаси Мирзо Улуғбек тумани бўлимининг совғалари билан тақдирланди. Боғнинг «Мирзо Улуғбек» бадиий жамоаси ижросидаги куй-қўшиқлар кўнгилларга завқ-шавқ бағишлади. Боғдаги барча аттракционлар икки кун давомида болажонларга бепул хизмат қилди.

**Дилафрўз МУХИТДИНОВА,  
Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи бадиий раҳбари**

**Касаба уюшма тадбири**

**Таассуротларга бой бўлди**

**26-29 апрел кунлари Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг анъанавий XI спартакиадаси, тармоқ бадиий жамоаларининг X кўрик-танлови ҳамда раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Марказий кенгаш раёсати жорий йилги спартакиадани бошланғич ташкилотлар раислари ўртасида ўтказишни белгилади ва жойларда саралаш бахслари ташкил этилди.

Шаҳрисабздаги «Мироқ санаторийси» МЧЖ спорт залида спортсевар касабақўшлар шахмат, шашка, энгил атлетика, тош кўтариш ҳамда эстафета бўйича мусобақалашди.

Эрақлар ўртасида ўтган шахмат беллашуварлари наманганлик Исроилжон Абдуллажонов биринчи ўринни олган бўлса, фарғоналик Аюбхон Холматов иккинчи, Андижон вилояти вакили Бахтиёр Жўраев учинчи ўридан жой олди.

Аёллар ўртасида ўтган шашка бахсларида хоразмлик Дилором Худойберганова ғолиб, қашқадарёлик Лайло Сатторова ва фарғоналик Муҳаббат Ўтанбоева совридор бўлди.

Енгил атлетика бахслари ҳам ҳаяжонли ўтди. Эрақлар ўртасида мезбонлардан Алибек Қаҳҳоров, аёллардан эса Тошкент шаҳри вакили Маргарита Гибайдуллинова тенг келадигани топилмади.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё жамоаси биринчи, фарғоналиклар иккинчи, наманганликлар эса учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ҳамда турли номинациялар бўйича энг яхши деб топилганлар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тармоқ бадиий жамоалари ўртаси-



да ўтган X кўрик-танлов иштирокчилар учун ҳақиқий тажриба мактаби бўлди. Маълумки, жорий йилда барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилиб, касабақўшлар янгидан сайланди. Танловнинг биринчи шартда иштирокчилар касаба уюшма ташкилотларида йиғилиш ўтказиш бўйича билимларини намойиш этишди.

Наманган жамоаси ҳисобот-сайлов конференциясида барчага ибрат бўлган бўлса, самарқандликлар жамоа шартномасини тузиш, сирдарёликлар янги касаба уюшмасини ташкил этиш бўйича

ўтказилган йиғилиш жараёнини намойиш этишди.

Танловнинг иккинчи шартда иштирокчилар касаба уюшма фаолиятига оид саволларга жавоб бердилар.

«Эркин мавзу» — танловнинг учинчи шарт ҳам эсда қоларли бўлди. Қимдир шёър ўқиган бўлса, биров кўшиқ куйлаб, дилларни шодликка тўлдирди. Дилбар рақслар сахнани безади.

Танлов якунида Фарғона вилояти жамоаси энг кўп очко жамғарди. Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент шаҳри, Бухоро, Хоразм, Наман-

ган ва Тошкент вилояти вакиллари-нинг чиқишлари ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари жамоалари ҳам «Ғалабага бўлган ишончи учун» номинациясига кўра тақдирланди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгаши раёсат йиғилишида бешта масала кўриб чиқилди. Марказий кенгаш раиси Маъмура Одилова 2009 йилга тузилган жамоа шартномалари ва келишувларининг бажариллиши ҳамда 2010 йил учун қабул қилиниши тўғрисида сўзга чиқди.

Йиғилишда ходимларни жамоа

шартномалари билан қамраб олиш борасида 2008 йилдаги қараганда 7,6 фоиз ўсиш кузатишга айтиб ўтилди. Шунингдек, Бухоро ва Самарқанд вилоят вакиллари ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан корхона ва ташкилотларда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларига риоя этиш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Камчиликларни бар-тароф этиш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғонада касаба уюшма аъзоллиги афзалликлари, ёшларни уюшмага жалб қилиш ҳақида ҳам сўз борди.

Раёсат йиғилишида 2010 йилда ўтказилган «Ўз касбининг устаси» ва 2009 йил якунларига кўра «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича энг яхши жамоатчилик назоратини ташкил этиш» республика танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Раёсат йиғилиши тугагач, меҳмонлар Қашқадарё вилоятидаги диққатга сазовор жойларни томоша қилишди. Шаҳрисабздаги Оксарой, Кўкғумбаз, Китоб туманидаги Ҳазрати Бешир ота зиёратгоҳи, Қамаш туманида жойлашган Лангар ота ва бошқа муқаддас қадимжоларда бўлишди.

**Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири  
Рауф САВРИДИНОВ  
олган суратлар**

«Ройтаст аукцион» ДУК «Ishonch» газетасининг 2010 йил 3 апрел №41 сонида берилган эълондаги «Toshkentvino kombinati» ОАЖ тасарруфидagi 1992 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 01/234 КАА бўлган «КАВЗ 3976» савдолардан олинганлигини маълум қилади.  
**Маълумот учун телефонлар: 233-23-40.**

**Ўтганларнинг охираати обод бўлсин**  
Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгашининг ташкилий бўлим етакчи мутахассиси Курбонхўжа Нуриддиновга онаси **ДИЛОРМ АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.  
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва Фарғона вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши жамоалари вилоят кенгаши раиси Муҳаббат Давлатйоровага онаси **РАЪНО АЯНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардик билдиради.

**Insonga naf keltirish**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
Bosh muharrir:  
**Abduxoliq Abdurazzoqov**  
Tahrir hay'ati:  
Alla DOLJENKOVA,  
Anvar YUNUSOV,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Ma'mura ADILOVA,  
Mirzohid SODIQOV,  
Normamat AIIAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Oysuluv NAFASOVA,  
Pirimqul QODIROV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Shamsi ESONBOYEV  
Bo'limlar:  
Kasaba uyushmalari hayoti  
256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot  
256-03-90  
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat  
256-87-74  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport  
256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash  
256-85-43  
Reklama va e'lonlar  
256-87-73  
Manzilimiz:  
100165,  
Toshkent shahri,  
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy  
E-mail:  
mail@ishonch.uz  
Nashr ko'rsatkichi:  
133  
Navbatchi muharrir:  
A.Toshev  
Navbatchi:  
Sh. Abdusamadov  
Musahhih:  
S.Shodiyeva  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.  
Sahifalovchi:  
H.Abduljalilov  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi.  
Korxonalar manzili:  
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda.  
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.  
Muxlilar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farg'lanishi mumkin.  
Tijorat materiallari  
Bosishga topshirish vaqti - 18.00.  
Topshirildi - 23.00  
Bujortma I — 451  
19089 nusxada bosildi  
ISSN 2010-5002  
2 3 4 5